

**Сирдарё вилояти «Агрокимёхимоя»
худудий акциядорлик жамияти раҳбарига**

Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Бирлашган кучаси, 66
АТБ Агро банк Гулистон шаҳар филиали, МФО 00365
х/р 20210000500209404001, ИНН 200322471

**Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

Аудиторлик ташкилоти: «MAGNIT FINANS» МЧЖ.

Манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 22 уй. тел.: +99893 398-86-84, факс: 2446710
СТИР 202545328, ИФТТ 74120, ХХТУТ 84400.

Банк реквизитлари: х/р 20208000303780184001, «Узсаноатқурилишбанк» Тошкент вилоят худудий филиали, МФО 00490.

Лицензия: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2014 йил 21 феврал кунини аудиторлик фаолияти билан шугулланиш учун берилган 00732 - рақамли лицензия.

Давлат рўйхатидан утган: Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2013 йил 15 феврал кунини берилган 475 - рақамли гувоҳнома. Аудиторлик ташкилоти бош директори Л.Т.Мамажанов.

Аудиторлик текшируви аудитор Э.С.Боисов томонидан, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2016 йил 11 июнда берилган № 05388 рақамли аудитор малака сертификатига асосан утказилди.

Биз Сирдарё вилоят «Агрокимёхимоя» худудий акциядорлик жамиятининг бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тугрисидаги ҳисоботи, хусусий капитал тугрисидаги ҳисоботи ва пул оқимлари тугрисидаги ҳисоботидан иборат 2016 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботининг ишончилигини аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз Сирдарё вилоят «Агрокимёхимоя» худудий акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча, Сирдарё вилоят «Агрокимёхимоя» худудий акциядорлик жамиятининг 2016 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.



Аудиторлик ташкилоти раҳбарлари:

Л.Т.Мамажанов.

Э.С.Боисов

“21” апрел 2017 й.